

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

Обод
МАҲАЛЛАНИНГ
ойдин
манзилиТошкент туманининг
«Қорасарой»
маҳалласида янги
«Маданият уйи»
фойдаланишга
топширилдиШинам иншоот 140 ўринли
бўлиб, турли маданий-маъ-
рифий тадбирлар ўтказиш
учун мўлжалланган.– Янги маданият уйи маҳалламиз
ёшлари учун айна мўддао бўлди, – де-
йди маҳалла раиси Дилшод Набиев.
– Марказда 10 дан ортиқ тўғараклар
фаолият курсата бошлади. Тўғаракка
қатнаётган ёшлар қизиқишларига кўра
касб-хунар ўрганиш ёки ўз истеъдо-
дларини юзга чиқариш имконига эга
бўлишмоқда.Яна бир қувончли хабар: марказ жа-
моаси ўз автомобилига эга бўлди. Улар-
га «Дамас» автомобили совға қилинди.
Маданият уйининг тантанали очилиш
маросимида Маданият ва туризм вазири
Озодбек Назарбеков, Тошкент вилояти
ҳокими Зойир Мирзаев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз




Бунёдкорлик

2023
9-ИYUL O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
PREZIDENTI SAYLOVIГазетамизнинг бугунги сониди Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ном-
зодлар – Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Улугбек Иноятов, Тадбиркор-
лар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан
Шавкат Мирзиёев, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Робохон
Махмудова, Ўзбекистон Экологик партиясидан Абдушукур Ҳамзаевнинг сай-
ловолди ташвиқотида оид мақолалари чоп этилмоқда.Мазкур мақолалар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар-
га сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида
эълон қилиняпти.

2-3-саҳифага қаранг



Кун тасвири

Ўзбе-
кистон
Ёшлар
ишлари
агентлиги ташаб-
буси билан ўтказил-
ган шахмат мусоба-
қасида **ТОШКЕНТ**
тумани «Дийдор» маҳал-
ласида истиқомат қилув-
чи ҳаваскор шахматчи
Сарвиноз Қиличева мусобақанинг
Республика босқичида фахрли
2-ўринни қўлга киритиб,
30 миллион сўм пул муко-
фоти билан тақдирланди.**ЮҚОРИ ЧИРЧИҚДА**
300 га яқин ижтимоий
ҳимояга муҳтож, эҳтиёж-
манд оилаларга бугун
тарқатилди. «Маҳалла»
хайрия жамоат фонди
туман бўлинмаси ҳузури-
даги «Саховат ва кўмак»
жамғармаси томонидан
ногиронлиги бор, эҳтиёж-
манд, 50 дан ортиқ оила-
ларга 1 миллион сўмдан
ёрдам пули берилди.**ПИСКЕНТДА** сув таъ-
минотини яхшилаш учун
18 та маҳаллада қури-
лиш-таъмирлаш ишлари
олиб борилмоқда. Ҳо-
зиргача, тумандаги 9 та
маҳалла ҳудудига жами
17 млрд. сўмлик қурилиш
ва таъмирлаш ишлари
бажарилди, 275 та назо-
рат қудуқлари, янги сув
иншоотлари қурилди, 46,6
км. сув тармоқлари торти-
либ, носозлари таъмир-
ланди.

Маҳалла ҳаёти



Гўли яшашнинг яхши йўли

Нурафшон шаҳри-
даги Муқимий номли
маҳалла аҳолиси то-
морқачиликда иғорлар-
дан. Томорқа ортидан
рўзгорлари обод, кўн-
гиллари хотиржам. Ёнг
муҳими, доимий даро-
мадга эгалар. Ҳеч бир
оиллада бекорчини уч-
ратмайсиз. Ёшу-қари-
нинг ўз юмуши бор.
Меҳнатга ўрганган
одам, кам бўлмайд-
ди, дейишади улар.Марҳабо ая ва Фурқат ота Му-
заффархўжаевлар ҳам мана 25
йилдирки, хонадонидagi иссиқхо-
нада меҳнат қилишади. 1998 йилда
қурилган ойнали иссиқхонанинг ёнига
янги, замонавийси қурилди. Шундай қи-
либ жами 25 сотихли 2 та иссиқхонада
помидордан йилга 2 марта мўл ҳосил
етиштирилмоқда.– Томорқада меҳнат қилишда хислат кўп,
– дейди Марҳабо ая. – Оила тўқ яшайди. Ин-
сон соғлом бўлади. Фарзандлар болалиқдан
теварак-атрофини, хонадонини саранжом-са-
ришта сақлашга одатланади. Ҳозирда набира-
ларимга деҳқончиликнинг сир-синоатини, пешона
тери эвазига тўкин-сочин, осойишта ва обод тур-
муш кечириш сирларини ўргатиб бораёмиз.Нозима АРСЛОНОВА
Жалопиддин ЭСОНОВ олган сурат**Пискент тумани «Оқтепа» маҳал-
ласида яшовчи Умнат Ғайбуллаев
ёш ишбилармонлардан. У асала-
ричилик бўйича оилавий тадбир-
корлигини йўлга қўйган. Ҳозир-
да асалари боқишга қизиқувчи
тенгдошларига ҳам соҳанинг
сир-синоатини ўргатмоқда.
Шунингдек, кўшни туманлар
ва ҳатто Сирдарё вилояти-
га ҳам асалари етказиб бе-
ришни йўлга қўйган. Ёш
тадбиркор ўтган йилда 16
та, бу йил эса 3 та оилга
асаларичиликни бош-
лаб олишларига кўмак-
лашди.**– Битта асалари қутисидан 30-50 килограммгача
тоза асал олиш мумкин, – дейди Умнат Ғайбуллаев.
– Бир литр асал ўртача 150-180 минг сўмдан баҳола-
нади. Даромадимиз яхши, шукр. Ҳалол ҳунар бўл-
гани учун баракаси бор-да.Шу маҳаллалик Мухтор Маъмиров тадбиркор бў-
лишни орзу қилади. Бирок ҳеч имконият тополмай-
ди. Ўзи тракторчи. Топгани рўзгордан, бола-чақадан
ортмайди. Кредит олиб, иш бошлай деса, ортиқча
югур-югури, қоғозбозлик деган бош оғриқлари кўп.
Давлат раҳбари томонидан тадбиркорликка ярати-
лаётган шароит, ишбилармонлар сонини ошириш,
айниқса, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга
қаратилган эътибор ортидан у ният қилган бизнесини
бошлаб олди. Мухтор ака дастлаб ҳоким ёрдамчиси-
нинг тавсияси билан ўзи истиқомат қилаётган маҳал-
ла ҳудудидан 15 сотихли ташландиқ ерни аукцион
орқали сотиб олади. Банкдан 33 миллион сўм имти-
ёзли кредит эвазига ишлаб чиқарувчи аппаратни ха-
рид қилиб, ишни бошлаб юборади.

Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига санокли кунлар қолмоқда. Ҳозирда Президентликка номзодлар ўзларининг Сайловолди дастуридаги мақсад ҳамда вазифаларига асосланиб, жамиятимиз тараққиёти ва келажаги билан боғлиқ масалалар бўйича сайловчилар билан учрашувлар ўтказмоқда.

ИЖТИМОЙ ТЕНГЛИК ВА ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИГА АСОСЛАНГАН ДЕМОКРАТИК БОШҚАРУВ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод Сайловолди дастуридаги асосий ғоялардан ҳисобланади

Халқ ҳокимиятчилиги – демократик ижтимоий давлатни барпо этишнинг муҳим шарти

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Улуғбек Иноятовнинг Сайловолди дастурининг VII йўналиши **“Ижтимоий тенгликка ва халқ ҳокимиятчилигига асосланган демократик бошқарув”** деб номлангани ҳам бежиз эмас. Унда белгиланган мақсад ва вазифалар айнан жамиятимизда долзарб масалаларга бағишлангани билан ажралиб турибди.

Дастурда **“Биз мамлакатда ижтимоий тенгликка асосланган халқ ҳокимиятчилиги принципини мустаҳкамлаш орқали демократик ижтимоий давлатни барпо этиш тарафдоримиз”** деган фикр илгари сурилади.

Ҳўш, халқ ҳокимиятчилиги деганда нима тушунилади? У қандай хусусиятларга эга? Аввало, халқ ҳокимиятчилиги фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги бевосита ва билвосита иштироки демакдир. Уюшқоқлик, бир-бирининг фикрини эшитиш, ўзаро ҳурмат ва бирдамликда ҳаракат қилиш халқ ҳокимиятчилигининг муҳим жиҳатидир.

ЎЗХДПдан номзоднинг Сайловолди дастурида таъкидланганидек, барча инсонларнинг ёши, жинси, жисмоний имконияти, миллати, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш зарур.

Албатта, халқ ҳокимиятчилиги принципи фуқароларнинг жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқида ҳам намоён бўлади.

Халқ ҳокимиятчилиги – бу жамиятда қонун устуворлиги ва ҳуқуқий маданият нечоғлиқ юксак даражада эканини кўрсатувчи ўзига хос индикатор ҳам дейиш мумкин. Агар кишилар ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишга интилимасалар, энг олижаноб ва мукаммал қонунлар ҳам уларни демократик муҳитда яшашга ўргата олмайд.

Шу нуктаи назардан биз мамлакатда ижтимоий тенгликка асосланган халқ ҳокимиятчилиги принципини мустаҳкамлаш орқали демократик ижтимоий давлатни барпо этиш тарафдоримиз. Бу аҳолининг барча, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг **давлат, жамият ҳаёти, суд-ҳуқуқ тизимида тенглик асосида иштирок этишини** кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамияти – инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим кафолати

Дастурда **“Фуқаролик жамияти институтлари мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Биз мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш тарафдоримиз”**, деган фикрлар илгари сурилади.

Миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга қаратилган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш масаласи мамлакатимизда олиб борилаётган фаол демократик янгилашш ва модернизациялаш жараёнларининг ажралмас қисми бўлиши лозим.

- Фуқаролик жамиятида:
- нодавлат, жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат тизимини мустаҳкамлашга, сайловчиларнинг, ўз аъзоларининг ва давлатнинг манфаатларини уйғунлаштириб, ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши;
 - марказлашган бошқарув билан халқ ҳокимиятчилигининг бошқа субъектлари ўртасида ижтимоий мурося, аҳиллик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш таъминлаши;
 - инсон манфаатлари давлат манфаатларидан устун туриши, давлат органлари инсонларга хизмат қилиши;
 - маъмурий бошқарувдан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувиغا ўтиш мумкидир.

Шу нуктаи назардан номзодимиз Сайловолди дастурида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини янада кенгайтиришни ҳам тақлиф этмоқда.

Ҳуқуқий давлатни фуқаролик жамияти ривожланишининг натижаси, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳуқуқий давлатчиликнинг шаклланиш жараёни, ҳеч шубҳасиз, аста-секинлик билан, босқичма-босқич давом этиб, фуқаролик жамияти шаклланиши билан бирга уйғунлашиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Улуғбек Иноятов ўз Сайловолди дастурида **фуқаролик жамияти ва нодавлат институтлар** фаолиятига алоҳида эътибор қаратаётгани шу омилларга мувофиқдир. Номзод таъкидлаганидек, фуқаролик жамияти институтлари мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бу ўринда ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳам алоҳида эътиборга молик. Фуқаролик жамияти тузилмалари юқоридан туриб эмас, балки фуқароларнинг ташаббуси билан, ихтиёрий асосда, табиийки, муассисларнинг манфаатлари, қизиқишлари ва мойилликларига мувофиқ тузилади. Уларнинг эркинлиги ўзини ўзи бошқариш фаолиятида намоён бўлади ва айнан шу йўл билан улар жамият тараққиётига ҳисса қўшади.

Сайловолди дастурда илгари сурилган яна бир муҳим масала – фуқаролик жамияти институтларини **маҳаллий миқёсда** қўллаб-қувватлаш, туманлардаги нодавлат но-тижорат ташкилотлари фаолиятини кенгайтириш. Ушбу ташаббус жойларда фуқаролик жамияти институтларининг янада фаол ишлаши, фуқароларни ўйлантираётган, қизиқтираётган ижтимоий масалаларни фуқароларнинг тақлифлари ва бевосита иштирокида ҳал этиш учун муҳим рағбат бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий қизиқишлар ва манфаатлар уйғунлиги фуқа-

O'zbekiston

ХДР

Xalq demokratik partiyasi

роларни бир-бирига тез яқинлаштиради. Бунинг учун биринчи навбатда улар ўртасида юзма-юз ва бевосита мулоқот шаклланиши ва ривожланиши муҳим. Бундай мулоқот муҳити маълумки, дастлаб маҳаллалар, туман, шаҳарлар миқёсида юзга келади.

Ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига кўра ҳар бир ҳудуд ўзига хосдир. Мана шу ўзига хослик фуқароларни тез бирлаштиради, ижтимоий масалаларни биргаликда ҳал қилиш кўникмасини ривожлантиради. Шунинг учун фуқаролик жамияти институтлари маҳаллий миқёсда ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш муҳим ҳисобланади.

Сиёсий партиялар – демократик тараққиётнинг зарурий шарти

ЎЗХДПдан номзоднинг Сайловолди дастурида фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида **сиёсий партиялар ва уларнинг бирлашмаларининг** ваколатларини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаган.

Хусусан, ижро ҳокимияти томонидан ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги **сиёсий партиялар фракциялари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар** ўтказиш механизмининг жорий этиш тўғрисидаги тақлиф муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Зеро, ижро этувчи ҳокимиятнинг аҳолининг манфаатларига тааллуқли, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича халқ вакиллари билан маслаҳатлашувни бундай долзарб масалалар юзасидан ҳар томонлама пухта ўйланган, барча тарафларнинг манфаатларига мос келувчи қарорлар қабул қилиш имконини беради ҳамда халқ ҳокимиятчилиги принципига тўлақонли мос келади.

Фикрлар, қарашлар, позициялар хилма-хиллиги ижро ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу халқ ҳокимиятчилиги тамойили мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

Маҳалла – ноёб демократик институт

Миллий қадриятларга асосланган маҳалла халқимизнинг турмуш тарзини ифода этувчи, руҳий-маънавий эҳтиёжи, мафқураси, тафаккури, инсонларнинг ўзаро қўшничилик алоқалари, оилавий муносабатларни шакллантирувчи маънавий-маърифий маскан, серқирра ижтимоий тузилма ҳисобланади.

Маҳалла ўзининг таъсир кўрсатиш усуллари орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, фуқаролик жамиятининг муҳим элементи сифатида катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда **мамлакатимизда 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллалар фуқароларимизнинг ижтимоий муносабатлардаги иштирокининг барча жаҳбаларини** қамраб олган.

Хусусан, фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирокини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга кўмаклашиш шулар жумласидандир.

Шу боис номзоднинг Сайловолди дастурида белгиланган аҳоли муаммоларини ҳал этишининг энг самарали ва адолатли шакли сифатида **маҳалла тизимини ривожлантириш**, маъмурий, ижтимоий, экологик, маданий ва бошқа муаммоларни ҳал этишда унинг иштирокини янада кенгайтириш борасида илгари сурилган ғоялар алоҳида диққатга молик.

Ушбу ташаббус маҳалланинг ноёб демократик институт сифатида давлат ва жамият ҳаётидаги мақомини янада мустаҳкамлашга ва шу орқали фуқароларнинг муаммоларини маҳалланинг ўзидан, ортиқча оворатартиқларсиз ҳал этиш учун шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

Маҳалла нафақат фуқаролар, балки оилалар, турли соҳа вакиллари ўртасида ижтимоий мулоқот муҳитини мустаҳкамлашга ҳам эга. Ким вақтинча ишсиз, нега ишсиз, унинг меҳнат фаолиятига қизиқиши, эҳтиёжларини қаноатлантириш учун қандай чоралар кўриш мумкинлиги маҳалла доирасида тезроқ ҳал этилиши мумкин.

Кўриниб турибдики, номзодимиз Сайловолди дастуридаги муҳим ғояларнинг амалга ошиши, электрот манфаатлари самарали ҳимоя қилинишида маҳалла институтининг аҳамияти беқиёсдир.

Умуман, Халқ демократик партияси сиёсий платформасига мувофиқ шакллантирилган номзод Сайловолди дастуридаги асосий тақлиф ва ташаббусларнинг самарали амалга ошиши мамлакатимизда халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини оширишга хизмат қилади.

Номзод дастурининг асосий ғояларидан бўлган ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, барча инсонларнинг давлат бошқарувида эркин, фаол иштирок этишини кафолатлаш фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолият юритишига чамбарчас боғлиқдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, номзод дастурида барча йўналишларда илгари сурилган тақлиф-ташаббуслар бир-бирини тўлдирди, албатта, ижтимоий давлатчилик концепциясига ҳар томонлама мувофиқ келади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Иноятовни қўллаб-қувватлашга қақирамиз!

Ҳеч биримиз бефарқ бўлмаслигимиз, конституциявий ҳуқуқларимиздан фойдаланган ҳолда, қатъий фуқаролик позициямизни кўрсатишимиз, давлатимиз равнақи, юртимиз келажаги учун Президент сайловида фаол иштирок этишимиз зарур.

Шерали МАМАДЕЦОВ,
Бахтиёр ТАШЕВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан
Президентликка номзоднинг
ишончли вакиллари

TOSHKENT HAQIQATI

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН МАМЛАКАТ

Барчамиз учун ягона ватан – жонажон Ўзбекистонимиз тарихан жуда қисқа, олти ярим йиллик даврда инсонпарвар демократик давлатни барпо этиш борасида ғоят юксак марраларга эришди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Сайловолди дастури бош фалсафаси – инсон қадрини улуғлаш, халқ иродасини, орзу-умидларини **рўёбга чиқариш**. Унда ўтган йилларда мамлакатда қилинган ишлардан келиб чиқиб, кейинги босқичда амалга ошириладиган ишлар кўлами аниқ белгилаб берилмоқда.



Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш – стратегик вазифамиз

Партиямиздан номзоднинг Сайловолди дастуридан ўрин олган бешта стратегик йўналишдан бири сифатида сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш этиб белгиланган.

Чекланган ресурс ҳисобланмиш сувдан самарали фойдаланиш мақсадида партиядан номзодимиз ўз дастурида суғоришда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш ишларини янада жадаллаштиришни тақлиф этмоқда. Жумладан, ушбу тақлифлар қаторида:

- 2030 йилга қадар экин майдонларини тўлиқ сув тежайдиган технологияларга ўтказиш;
- далаларга сув етказадиган объектларни фермер ва кластерлар бошқарувига бериш, сув етказиш тизимига ривожланган давлатлар тажрибасини кенг жорий қилиш;
- сув тежайдиган технологияни жорий қилган фермер ва деҳқонларни янада рағбатлантириш ва бунга 10 фоизли кредит ажратиш, ўз ҳисобидан жорий қилганларга эса, харажатнинг 50 фоизини қоплаб бериш тартибини жорий этиш каби тақлифлар ўрин олган.

Номзодимиз Сайловолди дастурида халқимизни ўйлантирган яна бир муҳим муаммо – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида ҳам сўз бормоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик бугунги кун талабларидан келиб чиқиб тақомиллаштирилди.

Номзод Сайловолди дастурида бу соҳада 2030 йилгача бўлган даврда аниқ чора-тадбир ва режаларни амалга ошириш белгиланган.

Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидидаги давлат бошқарувини ташкил этиш

Суд-ҳуқуқ ва давлат бошқаруви соҳасида сўнгги олти ярим йиллик ислохотларни таҳлил қилар эканми, жамиятимиз ҳаётида адолат тамойилини том маънода қарор топтириш, одил судловга эришиш, шунингдек, давлат органларининг халқ дарди билан яшашини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шу муносабат билан номзодимиз дастурида бу йўналишда қуйидаги вазифалар устувор деб белгиланди.

- Жумладан:
- рақамлаштириш орқали бюрократияни бартараф этиш принципини ҳаётимизга жадал олиб кириш;
 - давлат хизматларини тўлиқ электрон шаклга ўтказиб, давлат бошқарувида мавжуд бўлган минглаб функцияларни босқичма-босқич рақамлаштириш;
 - фуқароларнинг давлат хизматларидан фойдаланиш учун мурожаат қилишда ортиқча формал тартибларни бекор қилиш, давлат идоралари зарур ҳужжатларни электрон базадан ўзи оладиган тизимини яратиш;
 - ҳар бир маҳаллада электрон хизмат нуқталари ишга туширилиб, маҳаллаларни барча масалаларни “бир қадам” тамойили асосида ҳал этадиган масканга айлантириш;
 - давлат томонидан фуқаролик хизмати тизимини рақамлаштириш ишларини жадаллаштиришга алоҳида аҳамият бериш;
 - ҳокимларнинг Кенгашга раҳбарлик ваколати бекор қилиниши билан, уларнинг Кенгаш олдида, халқ олдида ҳисобдор бўлишини, масъулияти ва жавобгарлиги ошишини таъминлаш;
 - ҳоким ва маҳаллий Кенгашнинг жавобгарлик доираси ва аниқ вазифалари белгиланган ҳолда, улар фаолиятида жамоатчилик иштирок этиши учун зарур шароитларни яратиш;
 - мол-мулк ва ер солиқларини маҳаллада қолдириш;
 - келгуси йилларда “Очиқ бюджет”га бериладиган маблағни 3 қарра ошириб, 24 триллион сўмга етказиш бўйича чоралар кўриш;
 - маҳалла раисларининг ваколат муддатини 3 йилдан 5 йилга узайтириш ва ҳ.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар изчиллигини таъминлаш ҳамда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш учун номзодимиз дастурида қатор устувор вазифалар ҳам белгиланган.

Янги Ўзбекистон – хавфсиз ва тинчликсевар давлат

Янгилашган Конституцияда Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва

кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириши белгиланган.

Ташқи сиёсат соҳасида номзодимиз дастурига қуйидаги кенг кўламли вазифалар киритилган. Жумладан:

- Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатини фақат халқимиз ва давлатимизнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб бориш;
- Ўзбекистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ташаббусларини халқаро майдонда фаол илгари суриш;
- қўшни давлатлар билан яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини жадал ривожлантириш;
- Марказий Осиёда турли йўналишлар, аниққса, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, транспорт йўлакларини ривожлантириш борасидаги амалий ҳамкорлиқни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш;
- хориждаги ватандошларни қўллаб-қувватлаб, уларнинг юртимиз тараққиётида фаол иштирок этиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш;
- хориждаги ватандошларимиз орасида она тили, миллий маданият ва анъаналарни тарғиб этиш бўйича тизимли чоралар кўриш;
- ватандошларимизга дунёнинг исталган нуқтасидан мамлакатимиздаги давлат хизматларидан масофадан туриб фойдаланиш имкониятини яратиш;
- ташқи меҳнат миграцияси тизимини тўлиқ ислоҳ қилиб, хорижга ишлаш учун бораётган аҳолини қасбга ва чет тилларига ўқитиш кўламини кенгайтириш;
- хорижда ишлаш истагидagi юртдошларимиз Европа ва Осиёнинг юқори ҳақ тўланадиган мамлакатларига ишга бориши учун давлат томонидан кўмак бериш тартибини жорий этиш;
- мураккаб вазиятга тушиб қолган юртдошларимизга ҳуқуқий ва бошқа ёрдамлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш;
- меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари давлатимиз доимий ҳамхўрлигида бўлиши, уларнинг фарзандлари ўқиши ва олийгоҳларга киришида ҳам енгилликлар бериш бўйича чоралар кўриш.

Хавфсизликни таъминлаш масаласида ҳам Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини янада мустаҳкамлаш бош мақсад қилиб қўйилмоқда.

Охириги йилларда мазкур соҳада амалга оширилган ислохотлар натижасида Ўзбекистоннинг мудофаа салоҳияти мустаҳкамланиб, Қуролли Кучларнинг жанговар таркиби ва шайлиги тақомиллаштирилди. Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида сўнгги бир йилнинг ўзидан 3 мингдан ортиқ ҳарбий уй-жой билан таъминланди.

Шу билан бирга, номзодимиз дастурида бу борада кейинги етти йилда қуйидаги чора-тадбир ва режаларни амалга ошириш белгиланган:

- Қуролли Кучларимизнинг қудрати, мудофаа қобилиятимиз ва ҳарбий салоҳиятимизни янада ошириш мақсадида миллий армиямизни 2030 йилга қадар энг замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминлаш;
- ҳарбий-жанговар қудрат ва юксак маънавий салоҳиятни Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчига айлантириш;
- ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ғояси атрофида бирлаштириш бўйича алоҳида дастур асосида иш олиб бориш;
- давлатимиз рамзлари, хусусан, байроғимиз ҳонадонларда ҳам ҳилпираб туриши учун зарур ҳуқуқий асослар яратиш, уни миллий гуруримиз тисмолига айлантириш.

Биз юртдошларимиз, сайловчиларимизни Янги Ўзбекистонни биргаликда қуришга даъват этамиз. Зеро, Янги Ўзбекистон оруссини амалга оширишда энг катта таянчимиз, бу – халқ. Энг эзгу ниятимиз халқимизни бахтли ва фаровон қуришдир.

Номзодимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев учун овоз беришга қақирамиз!

Барно МИРЗАМОВА,
Бахитбай АЛДАМУРАТОВ,
Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутатлари,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Иноятовни қўллаб-қувватланг!

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёевга овоз беринг!

Ҳақиқат шашнинг хши йули



— Биласизми, астойдил ният қилиб, чин дилдан ҳаракат қилсанг мақсадингга албатта эришаркансан, — дейди Мухтор Маъмиров. — Очиги, бу ерлар жуда ташландиқ ва тиконзор эди. Уни ҳозирги ҳолатга келтиргунча озмунча тер тўқдикми?! Шукр, ишни ҳам яхши бошлаб олдик. Ҳозирда кунига 600-700 донга гишт ишлаб чиқаряпмиз. Кундан-кунга буюртма қилувчилар кўпаймоқда. Шунинг учун ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширмоқдамиз.

Ҳа, астойдил қилинган ният, меҳнат ва ҳаракат ўз натижасини бериши тайин. Ёш тадбиркор бу билан чекланиб қолмоқчи эмас. У ўз маҳалласида новвойхона ҳам очмоқчи. Бу орқали бандлиги таъминланган ёшлар сонини яна кўпайтирмоқчи.

Дарвоқе, “Оқтепа” маҳалла аҳолиси кўп-миллатли бўлиб, асосан деҳқончилик билан шугулланиб келади. Аммо ҳудудда борган сари тадбиркорлик ривожланиб, ишбилармонлар сони ортмоқда. Бунда ҳоким ёрдамчиларининг ҳиссаси катта.

“Оқтепа” маҳалласида ҳоким ёрдамчиси кўмагида 32 нафар тадбиркорга чорвачилик, асаларичилик, хунарамандчилик, иссиқхона йўналишларида жами 930 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Демак, маҳаллада тадбиркорлар сони янада ортиб, аҳоли бандлиги, ишсизлик, камбағалликни қисқартириш деган гоят муҳим масалалар секин-аста ўз ечимини топмоқда.

НОЗИМА РАСУЛОВА
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири



Сулаймон ШОДИЕВ — салимий туйғулар куйчиси. Унинг раво ва оҳангдор сатрлари дилбар кўшиқларга айланиб, кўплаб хонадонларга кириб борган.

Шоирнинг газетхонларимизга илган бир жуфт янги шеърини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Сени ўйлаб

Танимда тоқатим йўк,
Ҳаловат-роҳатим йўк,
Қувонган соатим йўк
Сени ўйлаб, сени ўйлаб.

Ошар ишқинг тугёни,
Хароблар айлаб жонни,
Унутаман дунёни
Сени ўйлаб, сени ўйлаб.

На йўқман-у на борман,
Ўз жонимга жабборман,
Симодай бекарорман,
Сени ўйлаб, сени ўйлаб.

Эй, кўзлари кўзмунчок,
Васлимага бўлиб мушток,
Сочларимга туши оқ
Сени ўйлаб, сени ўйлаб.

Севдим-у найладим мен,
Нолалар айладим мен,
Мажнунга айландим мен
Сени ўйлаб, сени ўйлаб.

Ишқинг кўз нурум менинг,
Жабринг ҳузурим менинг,
Ўтмоқда умрим менинг
Сени ўйлаб, сени ўйлаб.

■ Туйғу

Сиз яхшисиз

Дерлар, кўкда ҳилол гўзап,
Ҳилолдан ҳам сиз яхшисиз.
Қоматингиз сарғага ўхшар,
Ниҳолдан ҳам сиз яхшисиз.

Оғтобга айласам қиёс,
Жамолнингиз, эй сарвиноз,
Оғтобдаги ул беқиёс

Жамолдан ҳам сиз яхшисиз.

Чашма суви зилол экан,
Унга ётмоқ маҳол экан,
Менинг учун, аё эркам,
Зилолдан ҳам сиз яхшисиз.

Хаёлларим болдан ширин,

Улардадир кўнғалим сири,
Аммо ширинлардан ширин
Хаёлдан ҳам сиз яхшисиз.

Оламга гул сочгай баҳор,
Богларга йўл очгай баҳор,
Мен айтурман тақдор-тақдор:
Баҳордан ҳам сиз яхшисиз.

Сулаймон ШОДИЕВ

Ўз — ўтмоқда соз



Мана гап

Агар биз бутун дунёда тинчлик ўрнатишни истасак, ишни болалар тарбиясидан бошлашимиз зарур.
Маҳатма ГАНДИ

СПОРТ янгиликлари

Боксчиларимиздан 7 медаль

Қозоғистоннинг Астана шаҳрида бокс бўйича катталар ўртасидаги “Елорда кубоги” ўз нихоъсига етган эди.

Ушбу нуфузли мусобақа-

да Ўзбекистон терма жамоаси 3 та олтин, 1 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритди.

Шу тариқа, Ўзбекистон терма жамоаси боксчилари



Астанадаги халқаро турнирдан умумий ҳисобда 3100 АҚШ доллари ишлаб олишди.

Шахматчиларимиз муваффақиятли юриш қилмоқда

Қирғиз Республикасининг Иссыккўл шаҳрида шахмат бўйича Ғарбий Осиё чемпионати бўлиб ўтмоқда.

Мусобақада мезбонлардан ташқари, Ўзбекистон, Қозоғистон, Шри-Ланка, Умон, Бангладеш, Ҳиндистон, Тожикистон,

Туркманистон каби давлатлардан жами 300 нафарга яқин бир нечта ёш тоифасидаги шахматчилар ғолиблик йўлида донга суришяпти.

“Solemar” маркази мезбонлик қилаётган чемпионатда рапид йўналиши бўйича баҳслар якунига етди. Унда 4 та олтин, 4 та кумуш,



2 та бронза медалини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади.

“Металлурги” биринчи даврани 11-ўринда яқунлади

Футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигасининг биринчи даврасининг қатор қолдирилган ўйинлари бўлиб ўтди. Хусусан, Бекободнинг “Металлурги” жамоаси 8-турнинг қолдирилган ўйини доирасида Яйпаннинг “Турон” клубини қабул қилди.

Дастлаб, ўйиннинг 76-дақиқасида меҳмонлар футболбоши Ҳумоюн Муртазоёв ҳисобни очган бўлса,

орадан 2 дақиқа ўтиб бекободлик иктидорли ҳужумчи Шаҳзодбек Нейматжонов мувозанатни тиклади — 1:1. Ўйин сўнига қадр мазкур натижа ўзгармади.

Шу тариқа, бекободликлар биринчи даврандан сўнг 12 очко билан 11-поғонани эгаллаб турирди.

Тошкент вилоятининг яна бир вакили — Олмаликнинг ОКМК жамоаси эса биринчи даврани 23



очко билан 5-ўринда яқунлаб, таътилга йўл олди.

“Тошкент ҳақиқати” муҳбири Суҳробжон САДИРОВ тайёрлади

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

“Тошкент ҳақиқати” ва “Ташкентская правда” газеталари таҳририяти жамоаси бош муҳаррир ўринбосари Ҳамидулла Убайдуллаевга акаса

Шуқурулла УБАЙДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Чирчиқ давлат педагогика университети бошланғич касабаяшмаси қўмитаси университетнинг бош ҳисобчиси Абдураҳмон Исмадияровга онаси

ОЙБУВИ аянинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Чирчиқ давлат педагогика университети бошланғич касабаяшмаси қўмитаси университетнинг География кафедраси ўқитувчиси **Акбар ШЕРНЯЕВ**нинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Нега шундай деймиз

Сабр тағи — сари олтин

Ота-боболаримиз шу ва шу каби мақолларда кишининг ҳаётда сабр-тоқатли, чидамли, қаноатли бўлиши — жуда яхши, қимматли фазилат эканлигини таъкидлаб, бунинг акси ёмон оқибатларга олиб келишини ўқтирганлар. Кишини сабр-қаноатли бўлишга даъват этувчи мақоллар бундан юз йил муқаддам яшаб, ижод этган шоирлар томонидан ҳам зўр маҳорат билан қўлланган:

Ҳар кишида бўлмаса сабри жамил,
Нафис кўйида юруб соил бўлур.
Сабр қилсанг гўрадан ҳалео битар,
Сабрсизлар ўз оғидан йитар.

(Абдулла Авлоний)

Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит!

Баъзан шундай бўладики, бир гапни (турли сабабларга кўра) тегишли одамнинг юзига бевосита айтмайдилар-да, унинг иштирокида (ёхуд у йўғида) бошқа бировга айтадилар. Тегишли одам зийрак, ўқувли бўлса, бу гап унинг ўзига тегишли эканини дарҳол фаҳмлаб олади ва шунга кўра иш тутади (йўл қўйган камчилигини тузатади; ноўрин гапириб қўйган бўлса, уэр сўрайди; қонирим гап келиб етса ва таъсир қилса — ўз хатосини тан олади).

Юқоридаги мақол билан ана шундай ҳолни ифода этадилар.

Ш. ШОМАҚСУДОВ,
“Ҳикматнома”

Эгизак гаплар

ёки шамол тегмаган ҲАНГОМА

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда)

“Гапни кавлама” ёки “гапнинг кетидан қувма”, “гапни бурма” деган машҳур иборалар бор. Кавласанг, гап қувсанг ҳар хил бало-қазоларга дуч келишинг тайин. Чунки гапдан ҳар хил мазмун, муддао, турфа хил маъно келиб чиқади. Баъзи гапларни тинглаш жараёнида яхши ниятда айтилганидан хурсанд бўласиз. Одамнинг кўнглини кўтарайди, эзгуликка бошлайди. Афсуски, баъзи гаплардан димоғни ачитадиған, кўнглини айнаитадиған бадбўй ҳидлар таралади. Баъзи кавланган гаплар ғийбат, фикси-фасод қўзғатади. Айримлари уриш-жанжалга, ёқа йиртишга, бир-бировни бадном қилишга, ору номусини топташга сабаб бўлади. Кавланган, кетидан қувилган гапларнинг жонажон ошноси, яқин қариндоши “миш-миш”, “деди-деди” деган гаплар ҳисобланади. Боболаримиз, момоларимиз: “Илоё, миш-мишчининг, ғийбатчининг уйи куйсин, тили кесилсин”, деб дуоибад қилишган.

Миш-миш гапни, айниқса, ғийбатни яхши кўраимиз. Ҳу-уз-зур

қилиб гапираимиз. Янада ху-уз-зур қилиб эшитамиз. Гапириб яйраймиз, роҳат қиламиз. Ўзимиздан ҳам кўшиб-чатиб бошқаларга етказамиз. Миш-миш гапни аста-аста мушт-мушт гапга айлантира-миз. Бу ҳаракат кишт-кишт гап ёки пишт-пишт гап билан яқунланади. Миш-миш исбот топмагандан сўнг прокурор ё милиция иш-иш гап қилади. Кейин тилинг осилиб пиш-иш бўлиб қоласан. Умринг охир-оқибат киш-киш гапга айланади.

Миш-миш гапдан доимо ҳазар қилинг,

Сассиғи чиқиб кетса

Ўзингизни “пазор” қилинг.

Игво гапни тез тарқатинг,

кеч бўлмай туриб,

Ўлдириг бир покдомонни

ўзи билмай туриб.

Одамлар бундай турки со-вуқлардан қочадилар. Ва: “Кўйинг, бу миш-мишни. Эшитган қулоққа ёмон. Бировнинг тинч оиласини бузиб юрмани”, ёки “Анаву одамнинг башараси ҳам, гапи ҳам совуқ,



TOSHKENT HAQIQATI

Ташкентская правда
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentская pravda” gazetalarini tahrir hay’ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay’ati raisi)

Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G’afurjon MUHAMMEDOV
Shavkatjon RAHIMOV
Tohir ARIPOV
Ravshan RAIMOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G’ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o’rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas’ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo’lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E’lonlar va hisob-kitob bo’limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@gmail.uz

Navbatchi muharrir:
Erali NORBEKOV
Mas’ul kotib:
Alloma AZIZOVA
Navbatchi:
Nozima RASULOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Bosishga topshirildi - 21.00
Nashr ko’rsatkichi - 205.
Buyurtma G-731.
6 357 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qo’g’oz bichimi A-2.
Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida
2011-yil 12-yanvarda
03-001 raqami bilan
ro’yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri,
Toshkent yo’li ko’chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko’chasi, 2.
ISSN 2010-9318.

Gazeta “Toshkent haqiqati” ta’biyiyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo’jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.